

Ёзувчи Носир Фозилов 1929 йили Козогистоннинг Чимкент вилоятига карашли Туркистон туманининг Корачик кишлогида дехкон оиласида дунёга келди. У Туркистонда ўрта мактабни тугатгач, 1949—1954 йиллар давомида Ўрта Осиё дорилфунунининг филология факултетида таълим олди.

Дорилфунунни тугатгандан сўнг, 1955 йилдан бошлаб «Гулхан» ойномасида адабий ходим, масъул котиб, «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудири (1960—1963), 1963 йилдан эса «Шарқ юлдузи» ойномасида адабий ходим, сўнгра проза бўлимиининг мудири, масъул котиб (1970—1972) сифатида фаоллик кўрсатди. Ёзувчи ва ношир Носир Фозилов 1972—1980 ва 1984—1986 йиллар давомида Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта муҳаррир ва проза бўлимининг мудири сифатида ишлаб келди. 1986 йилдан бўён «Шарқ юлдузи» ойномасининг масъул котибидир.

1985 йилда унинг «Шум боланинг набиралари» китоби учун Гафур Гулом номидаги мукофот берилди. 1986 йилда эса козок ёзувчиларишгаг асарларини ўзбек тилига таржимаси борасидаги фаоллиги учун Козогистон Ёзувчилар уюшмаси Бейимбет Майлин номидаги мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, унга 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони хамда 1991 йилда «Устозлар даврасида» асари учун Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган.

Адибнинг «Оксой», «Саратон» киссалари 70-йиллар ўзбек адабиёти, хусусан, болалар насрода катта воеа бўлди.

Адибнинг биринчи хикояси 1953 йили «Ленин учкуни»да босилган. Шундан сўнг унинг «Ирмок», «Корахат», «Кўклам киссалари», «Саратон», «Шум боланинг набиралари», «Устозлар даврасида», «Болалигим - подшолигим» каби катор китоблари ўкувчиларга тақдим этилди. Адибнинг яна бир катор асарлари козок, туркман, рус ва бошка тилларга ўгирилган.